

КАЗАКБАЕВ Акбар

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси доценти, PhD

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

СОКРАЩЕНИЕ БЕДНОСТИ И УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ В УЗБЕКИСТАНЕ

POVERTY REDUCTION AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи асосида мамлакатда камбағалликни қисқартириш ва барқарор ривожланишга эришишнинг ўзаро боғлиқ модели таҳлил қилинади. Нутқда келтирилган аниқ статистик маълумотлар ва стратегик йўналишлар орқали Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари ва келгуси мақсадлари очиқ берилади. Мақолада ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий драйверлари сифатида таълим, инновация, «яшил» энергетика ва кичик бизнеснинг ўрни кўрсатиб ўтилган.

Калим сўзлар: Камбағалликни қисқартириш, барқарор ривожланиш, Янги Ўзбекистон, таълим, «яшил» энергетика, кичик бизнес, ижтимоий ислохотлар, инсон қадри.

Аннотация. В данной статье на основе речи Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на 80-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН анализируется взаимосвязанная модель сокращения бедности и достижения устойчивого развития в стране. На основе конкретных статистических данных и стратегических направлений, представленных в речи, раскрываются достижения и будущие цели Узбекистана в этой сфере. В статье подчёркивается роль образования, инноваций, «зелёной» энергетики и малого бизнеса как основных драйверов социально-экономического развития.

Ключевые слова: Сокращение бедности, устойчивое развитие, Новый Узбекистан, образование, «зелёная» энергетика, малый бизнес, социальные реформы, достоинство человека.

Abstract. Based on the speech by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the 80th session of the UN General Assembly, this article analyzes the interconnected model of poverty reduction and achieving sustainable development in the country. Through the specific statistical data and strategic directions presented in the speech, Uzbekistan's achievements and future goals in this area are revealed. The article highlights the role of education, innovation, «green» energy, and small business as the main drivers of socio-economic development.

Keywords: Poverty reduction, sustainable development, New Uzbekistan, education, «green» energy, small business, social reforms, human dignity.

КИРИШ

Бугунги кунда камбағалликни қисқартириш ва барқарор ривожланишга эришиш жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Глобал миқёсда кузатилаётган иқтисодий ва гуманитар инқирозлар, ижтимоий тенгсизликнинг ортиши бу муаммоларнинг ечимига комплекс ва тизимли ёндашувларни талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида айнан шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатнинг бу борадаги тажрибаси ва стратегик қарашлари халқаро ҳамжамиятга тақдим этилди.

Мазкур мақоланинг мақсади – ушбу нутққа асосланган ҳолда, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш сиёсатининг барқарор ривожланиш мақсадлари билан узвий боғлиқлигини таҳлил қилишдир. Президент таъкидлаганидек, мамлакатдаги ислохотларнинг устувор мақсади – «ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадри ва фаровонлигини оширишдир» [15].

АСОСИЙ ҚИСМ

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нуткида Янги Ўзбекистон сиёсати Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг равишда олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади. Бунинг амалий натижаси сифатида сўнгги йилларда мамлакатда эришилган энг муҳим ютуқлардан бири – камбағаллик даражаси икки баробардан зиёдга камайгани қайд этилди. Нутқда қайд этилишича, «сўнгги йилларда Ўзбекистонда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартиришга эришдик» [15]. Бундай юқори натижага бир қатор ўзаро боғлиқ ва комплекс ислохотлар орқали эришилмоқда.

Нутқда камбағалликни қисқартиришнинг аниқ механизмлари санаб ўтилган бўлиб, улар барқарор ривожланишнинг асосий тамойилларига тўлиқ мос келади. Президент ушбу муваффақиятнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни санаб ўтди:

таълим ва илм-фан соҳасини ўзгартириш;
инновацион тармоқлар ва технологик саноат корхоналарини барпо этиш;

«яшил» энергетика ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш;

кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш орқали миллионлаб иш ўринлари яратиш.

Бу йўналишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг асосий мақсадларида ўз аксини топган. Ушбу ёндашув камбағалликка фақат иқтисодий ҳодиса сифатида эмас, балки ижтимоий, технологик ва экологик жиҳатларни ҳам қамраб олган комплекс муаммо сифатида қаралиб, унинг ечимига тизимли ёндашилаётганини кўрсатади. Президентнинг сўзларига кўра, бу ютуқларга таълим ва илм-фан соҳасини ўзгартириш, инновацион тармоқлар ва технологик саноат корхоналарини барпо этиш, «яшил» энергетика ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш ва натижада миллионлаб иш ўринлари яратиш орқали эришилмоқда.

Камбағалликни қисқартиришга қаратилган тизимли ёндашув мустаҳкам ҳукукий асосларга

таянади. Бунда «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун [2] ва «яшил» энергетикага оид қарорлар орқали энергетик барқарорлик, «Таълим тўғрисида»ги Қонун [3] воситасида инсон капиталини ривожлантириш ҳамда оилавий тадбиркорликни кўллаб-қувватлашга доир Президент қарорлари [14] орқали аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш каби йўналишлар қамраб олинган.

Бу эса камбағалликка фақат иқтисодий ҳодиса сифатида эмас, балки унинг ижтимоий, технологик ва экологик жиҳатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда комплекс ечим изланаётганини кўрсатади.

Барқарор ривожланишнинг муҳим шартинсон капиталини ривожлантиришдир. Нутқда Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги ютуқларига алоҳида тўхталиб ўтилиб, жумладан, мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошгани, ёшларнинг олий таълим билан қамрови эса 9 фоиздан 42 фоизга етгани қайд этилди. Бу ютуқлар замирида аниқ стратегик ҳужжатлар ва ислохотлар ётибди. Хусусан, мактабгача таълим соҳасида Президентнинг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон Фармони билан алоҳида вазирликнинг ташкил этилиши ҳамда 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон Қарори [11] билан соҳани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши туб бурилиш ясади. Олий таълимдаги ўсиш эса Давлат раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони [5] билан тасдиқланган ривожлантириш концепцияси доирасида янги олийгоҳларнинг очилиши ва қабул квоталарининг оширилиши натижасидир. Бу ислохотларнинг негизида ўқитувчи ва устозлик касбининг обрўсини ошириш масаласи туради, бу вазифа «Таълим тўғрисида»ги Қонун [3], Президентнинг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон Қарори [13] ва «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси»да [7] ҳал қилувчи омил сифатида белгиланган.

Нутқда иқтисодий ўсиш экологик барқарорлик билан чамбарчас боғлиқ экани, «яшил» энергетикани ривожлантириш эса камбағалликни қисқартиришнинг

муҳим воситаларидан бири экани қайд этилди. Бу сиёсатнинг ҳуқуқий асосларини «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун (2019) [2] ва «Яшил» иктисодиётга ўтиш стратегияси»ни тасдиқлаган Президентнинг ПҚ-4477-сонли қарори [12] ташкил этади. Ушбу ислохотлар самарадорлигини оширишга қаратилган 2022 йил 2 декабрдаги ПФ-257-сонли Фармон [8] эса бу борадаги ишлар изчил эканини кўрсатади.

Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларига қарши кураш, денгизнинг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда яшил қопламалар яратиш ва сув ресурслари тақчиллиги муаммосига глобал ечимлар излаш каби масалалар Ўзбекистоннинг нафақат миллий, балки минтақавий ва глобал экологик барқарорликка ҳам ўз ҳиссасини қўшишга интилаётганининг яққол далилидир.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар аниқ давлат дастурларига асосланган. Хусусан, Президентнинг 2018 йил 15 октябрдаги ПҚ-5264-сонли қарори [10] билан тасдиқланган «Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури» кенг миқёсда ўрмонзорлар барпо этишни бошлаб берган бўлса, бугунги кунда бу ишлар «Оролбўйи минтақасини 2022-2026 йилларда комплекс ривожлантириш дастури» доирасида изчил давом эттирилмоқда ва БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармаси томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Шу билан бирга, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи ҳам стратегик ҳужжатлар билан мустаҳкамланган. Соҳадаги асосий ҳуқуқий асос «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун бўлса, Президентнинг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли Фармони [6] билан тасдиқланган «Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси» сувни тежовчи технологияларни жорий этиш ва трансчегаравий ҳамкорликни кучайтириш каби глобал ечимларни назарда тутди. Бу ҳужжатларнинг барчаси Ўзбекистоннинг экологик барқарорликни таъминлаш борасидаги миллий ва халқаро мажбуриятларини амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратади.

ХУЛОСА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбаридаги нутқи Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш ва барқарор ривожланиш борасидаги сиёсати пухта ўйланган, ўзаро боғлиқ ва комплекс стратегияга асосланишини яққол намоён этди. Бу стратегиянинг марказида инсон қадри ва унинг фаровонлигини таъминлаш турибди.

Мамлакат тажрибаси шуни кўрсатадики, камбағалликни самарали қисқартириш учун бир вақтнинг ўзида таълим сифатини ошириш, инновацияларни жорий қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва «яшил»технологияларга ўтиш каби йўналишларни биргаликда ривожлантириш зарур. Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида ўз мажбуриятларига содиқ эканини тасдиқлаб, 2030 йилга бориб «даромади ўртадан юқори» бўлган мамлакатлар қаторига киришни мақсад қилган. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида улкан марраларни кўзлаётганидан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 837-ХП-сон Қонуни. 06.05.1993. // <https://nrm.uz>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги ЎРҚ-539-сон Қонуни. 21.05.2019. // <https://www.lex.uz/uz/docs/4346831>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ЎРҚ-637-сон Қонуни. 23.09.2020. // <https://lex.uz/docs/5013007>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5198-сон Фармони. 30.09.2017. // <https://lex.uz/docs/3362886>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони. 08.10.2019. // <https://lex.uz/docs/4545884>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сонли Фармони. 10.07.2020. // <https://lex.uz/docs/4892953>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. 28.01.2022. // <https://lex.uz/docs/5841063>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-436-сон Қарори. 02.12.2022. // <https://lex.uz/docs/6303230>.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли Фармони. 11.09.2023. // <https://lex.uz/docs/6600413>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-2731-сонли Қарори. 18.01.2017. // <https://www.lex.uz/uz/docs/3099705>
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4312-сон Қарори. 08.05.2019. // <https://lex.uz/uz/docs/4327235>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4477-сонли қарори. 04.10.2019. // <https://lex.uz/docs/4539502>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4884-сон Қарори. 06.11.2020. // <https://lex.uz/ru/docs/5085887>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-39-сон Қарори. 31.01.2023. // <https://lex.uz/uz/docs/6374137>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи (2025 йил, сентябрь).